

Шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик бериш

Бу билан мен, кейинчалик – «Шахсий Маълумотлар Субъекти», 27.07.2006 да қабул қилинган «Шахсий маълумотлар ҳақидаги» (ўзгартириш ва қўшимчалар билан) № 152-ФЗ Федерал қонуни талабларини бажариш учун, мустақил тарзда, ўз хоҳишим билан ва манфаатим йўлида, Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ тарзда ташкил этилган ва фаолият юритаётган, ОГРН(АДҚР-Асосий Давлат Қайд Рақами) 1034316534394, юридик манзили: Москва ш. 121614, Крылатские Холмы кўч., 9 корп. 30 уй. юридик шахс «АВВА РУС» АЖга рўйхатдан ўтиш пайтида ҳар қайси сайт (саҳифаларнинг) micrazim.uz(кейинчалик- «Сайт» ёки «Сайтлар») бевосита алоқа хизматининг веб-шаклини тўлдириш йўли билан кўрсатилган ва сайт ёрдамида йўналтирилган (тўлдирилган) ҳар қандай шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик бераман.

Мен шахсий маълумотлар деганда менга, Шахсий Маълумотлар Субъекти сифатида тегишли бўлган ҳар қандай маълумотни тушунаман, шу жумладан, менинг фамилия, исм, шарифим, манзилим, маълумотим, касбим, боғланиш учун маълумотларим (телефон, факс, электрон кутим, почта манзилим), соғлиғимнинг, Сайтда тақдим қилинган мавзулар билан боғлиқ бўлган ҳолатлари ҳақида маълумотлар ва бошқ. Маълумотларни қайта ишлаш деганда мен, маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, жамғариш, аниқлаштириш, янгилаш, ўзгартириш, ишлатиш, тарқатиш, етказиш, шу жумладан бошқа давлатларга ҳам, қиёфасизлаштириш, чегаралаш, йўқ қилиш, муддатсиз сақлаш, ва шахсий маълумотлар билан боғлиқ ҳар қандай бошқа ҳаркатларни (муомала) тушунаман.

Шахсий Маълумотлар Субъектига тегишли шахсий маълумотларнинг қайта ишланиши, фақатгина Шахсий Маълумотлар Субъекти томонидан сайтлар орқали юборилган электрон шаклдаги хатлар, хабарлар, сўровларни қайд қилиш, ўрганиб чиқиш ва кейинчалик Шахсий Маълумотлар Субъектига фақатгина маълумот берувчи хусусиятга эга бўлган ва умуман олиб қараганда ҳеч қандай даражада тиббий маслаҳат, хулоса ва бошқ. бўлмаган, қайта ишлаш жавоблари ва хулосаларини юбориш мақсадида амалга оширилади.

Шахсий Маълумотлар Субъекти томонидан сайтда жойлашган веб-шакл орқали электрон хат юборилган сана, шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик берилган сана деб ҳисобланади. Шахсий Маълумотлар Субъектининг, Шахсий маълумотларни қайта ишлаш Россия Федерациясининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда, автоматлаштирилган воситалар ёрдамида ва/ёки автоматлаштирилган воситаларни ишлатмаган ҳолда, амалга оширилиши мумкин.

«АВВА РУС» АЖ шахсий маълумотлардан ғайриқонуний ёки тасодифий фойдаланиш, маълумотларни йўқ қилиш, ўзгартириш, чеклаш, нусха олиш, тақдим қилиш, тарқатиш имкониятларидан ҳимоя қилиш учун керакли ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўради ёки уларнинг қабул қилинишини таъминлайди, шахсий маълумотларга нисбатан бошқа қонуний бўлмаган ҳаракатлардан ҳимоялайди, ҳамда Шахсий Маълумотлар Субъектининг, шахсий маълумотларини сир сақлаш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. «АВВА РУС» АЖ Шахсий маълумотлар субъектининг, шахсий маълумотларини қайта ишлаш учун субподрядчи (ёлланма) корхоналарни жалб этишга, ҳамда шахсий маълумотларни қайта ишлаш учун ўз аффилиланган шахсларига, ёлланма корхоналар ва аффилиланган шахслар томонидан шахсий маълумотларни сир тутиш ҳақидаги шартининг қабул қилинишини таъминлаган ҳолда бериб юборишга ҳақлидир. «АВВА РУС» АЖ Шахсий Маълумотлар Субъектининг шахсий маълумотларини тиббиёт, фармакология соҳасида фаолият юритувчи учинчи шахслар, илмий-текшириш институтлари ва ташқи экспертларга, бу шахслар томонидан шахсий маълумотларни сир тутиш бўйича тегишли мажбуриятларни қабул шарт билан Шахсий Маълумотлар Субъекти томонидан Сайтдаги

веб-шакл орқали юборилган хабарлардаги мазмун ва фактларни ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадида юборишга ҳақлидир.

Шахсий маълумотлар «АВВА РУС» АЖда Субъекти томонидан, шахсий маълумотларни қайта ишлашга берилган розилигини қайтариб олиш ҳақида,тегишли тарздаги, ёзма ариза келиб тушган пайтгача ёки бевосита алоқа шаклини юборилган вақтдан бошлаб 5 (беш) йил муддат ичида қайта ишланади. Бу муддат ўтгандан сўнг шахсий маълумотлар 12 календар (тақвимий) ойдан, ошиқ бўлмаган муддат ичида йўқ қилинади.

Шахсий маълумотларни қайта ишлашга берилган розилик Фойдаланувчи томонидан, info@micrazim.uz электрон қутиси манзилига, мувофиқ тарзда эркин шаклдаги ариза ёзиш йўли билан ёки Москва ш. 121614, Крылатские Холмы кўч.,9 корп. 30 уй манзилига мувофиқ тарзда оддий ёзма шаклда ариза ёзиш йўли билан чақириб олинishi мумкин.

Шахсий маълумотларни қайта ишлашга берилган розилик Шахсий маълумотлар субъекти ёки унинг вакили томонидан чақириб олинган ҳолатда «АВВА РУС» АЖ 27.07.2006 да қабул қилинган «Шахсий маълумотлар ҳақидаги № 152-ФЗ Федерал қонундаги 11 модданинг 2 қисми, 10 модданинг 2 қисми, 6 модданинг 1 қисм 2-11 бандларида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса,шахсий маълумотлар субъектининг розилигисиз,қайта ишлашни давом эттиришга ҳақлидир.

Мен шундан хабардорманки:

1. Ушбу,сайтдаги (сайтлардаги) веб-шакл орқали хабар юбориш вақтида кўрсатилган менинг шахсий маълумотларимни қайта ишлашга берилган, розилик «АВВА РУС» АЖ Сайт(сайтлардаги) веб-шакл орқали хабар юборилган пайтдан бошлаб 5(Беш) йил амал қилади, «АВВА РУС» АЖ менинг шахсий маълумотларимни қайта ишлашни муддатидан олдин тўхтатиш ҳақида, билдириш олган ҳолатда эса-бу билдиришнома топширилган кундан бошлаб;
2. Розилик мен томондан эркин шаклдаги ёзма ариза асосида чақириб олининш мумкин;
3. Учинчи шахсларнинг шахсий маълумотларини уларнинг розилигисиз тақдим қилиш,Россия Федерациясининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тарзда жавобгарликка олиб келади.